Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

4-йил чиқиши

22 ИЮЛЬ, 1969 й.
СЕШАНБА
№ 170 (934).
БАҲОСИ 2 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Улкан маданият кўриги

Бугун РСФСРда Ўзбекистон адабиёти ва санъати декадаси тантанали суратда очилди

Бугун доҳиймиз В. И. Ленинниинг ҳаёти ва ижодий фаолияти билан боғлиқ бўлган жойларда ўзбек адабиёти ва санъати декадаси бошланди.

Улар бугун биринчи бўлиб Горький шаҳрида санъатларимиз намойиш қиладилар. Адабиёт ва санъат қатнашчилари 24-25 июлда Қозонда, 26-28 июлда Ульяновскда, 29-31 июлда эса Москвада бўладилар. 31 июль куни ўзбек адабиёти ва санъати декадасининг тантанали ёпилиш маросими Москванинг Съездлар саройида бўлиб ўтади.

Бу улкан маданият кўригида республикамизнинг таниқли «Баҳор», «Шодлик», «Лазги», эстрада ансамблари қатнашмоқда. Шунингдек, республиканинг етук санъаткорларидан иборат сайланма группа, хореография билим юрти коллективи ва Самарқанд Давлат опера ва балет театрининг балет группаси ҳам декадада иштирок этиб, ўзларининг хилма-хил репертуарларн Смлан томошабинларнн хушнуд этишади.

ШУНДАЙ ҚИЛИБ, БУГУН БЕПОЁН РОССИЯ ОСМОНИДА ЎЗБЕК КУЙ ВА ҚУШИҚЛАРИ БАРАЛЛА ЯНГРАЙ БОШЛАДИ.

● *Меҳнатда пешқадамлар*



«Ташсельмаш» заводи асбобсозлик цехининг тажрибали смена мастери Фозид Солиҳўжаевнинг шу корхонада ишлай бошлаганига 40 йилдан ошди. Шу вақт ичида у қанчаданқанча ёшларга касб ўргатиб, мустақил ҳаётга йўлланма берди.

И. Глауберзон фотоси.



СУРАТДА : 2-пойафзал фабрикасининг ишчилари Жаннат Асфандиёрова ва Шаҳодат Омоновалар. Улар йиллик ва квартал топшириқларини доимо муддатидан илгари адо этадилар.

М. Нуриддинов фотолари.

● Диққат, янгилик!

ЯНГИ САНОАТ КОМБИНАТИ

Республикамиз қишлоқларини электрлаштиришга ажратилаётган капитал маблағлар ҳажми тобора ортиб бораётир. Бу эса Ўзбекистон ССР энергетика ва электрлаштириш министрлигига қарашли корхоналарда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришни тақозо этмоқда.

Министрликнинг саноат корхоналари республикамизнинг турли районларига жойлашган. Шу пайтгача уларга ягона раҳбарлик қилувчи ташкилот йўқ эди. Шу туфайли саноат корхоналари фаолиятида системасизлик ва тарқоқлик юз берарди.

Саноат корхоналарида юз берган бундай аҳвол маҳсулотларни унификация қилишда қийинчилик тўғдирди, техника тараққиётига тўсқинлик қилди.

Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлигига қарашли саноат корхоналарини бошқариш ишини яхши йўлга қўйиш мақсадида Республика Министрлар Советининг қарори билан Тошкентда саноат корхоналари комбинати тузилмоқда.

Саноат корхоналари комбинатининг составига Қувасойдаги темир-бетон буюмлари заводи, Сурхондарё область Узун поселкасидаги темир-бетон буюмлар заводи, Намангандаги электромеханика устахонаси, Ленинск шаҳридаги темир-бетон буюмлар полигони ва Тошкентдаги республика электромеханика устахонаси киради.

Комбинатнинг тузилиши саноат корхоналарининг фаолиятини яхшилашда сўзсиз ижобий таъсир кўрсатади, қишлоқларни электрлаштириш ва объектларни зарур конструкциялар ва материаллар билан таъминлаш эса яхшиланади.

Я. ТОЛСТОНОГ,
инженер-экономист.

ЁШЛАР ИСТАГИ

Кеча ҳунар билим юртининг битирувчилари «Ташсельмаш» заводи цехларида ишлаб чиқариш практикасини ўтадилар.

Шу вақт ичида ўқувчилар завод ишчиларидан кўп нарсаларни ўрганиб олишди.

Слесарь-токарь силлиқловчи, техника бўлими контроллёрлари касбларини ўрганган 40 га яқин ўқувчи ҳозир давлат имтиҳонларини топширмоқда. Т. Юнусова, Ф. Ҳолиқова, Б. Йўлдошев каби кўпгина битирувчи ёшлар билим юртини тугатгандан сўнг «Ташсельмаш» заводида ишлаш истагини билдирдилар.

МЕҲНАТ СЕМЕСТРИ

Политехника институти механика факультетининг студентлари сессияни муваффақиятли тугатиб меҳнат практикасига жўнаб кетишганига анча бўлди.

Факультетнинг 120 студенти меҳнат семестрини Сирдарё областида, қолган студентлар эса шаҳардаги «Ташсельмаш», «Подъёмник», трактор-йиғув заводларида муваффақиятли ўтказмоқдалар.

● Куйбишев район комсомол комитетида

Ҳужжатлар ўрганилмоқда

Коммунистик ва ишчи партияларининг Москвада бўлиб ўтган халқаро Кенгаши ҳужжатларини район ёшлари зўр қизиқиш билан ўрганмоқдалар. Ҳозирги кунга қадар «Ташавтомаш», «Узбекхлопкомаш», экскаватор заводи каби ўн бешдан ортиқ йирик ташкилотда комсомол ёшларининг ана шу муҳим ҳужжатларни ўрганишга бағишланган йиғилишлари бўлиб ўтди.

ЗАРБДОР ҚУРИЛИШГА

«Бутуниттифоқ комсомол зарбдор қурилиши» деб эълон қилинган Олмалиқ улкан химия комбинати қурилишига бориб ишлаш тўғрисидаги илтимосимни қондиришингизни сўрайман...»

Район комсомол комитетига ана шундай мазмундаги ариза билан келаётганлар сони тобора ортиб бормоқда. Билагида кучи, юрагида ўти бор комсомол қурувчилар ҳадемай ҳамкасб бинокорлари ҳузурига отланадилар.

ИШЧИЛАР СИНФИ САФИГА

«Узбекхлопкомаш» заводи доврўғи тобора ёйилиб бораётган саноат корхоналаридан бири ҳисобланади. Яқинда корхона комсомол ташкилоти ёш ишчилар кечасини ўтказди. Кеча қатнашчиларининг гулдурос қарсаклари остида ишлаб чиқаришда ўзини кўрсатган комсомол ишчилардан бир группаси шонли ишчилар синфи сафига қабул қилинди.

● Пешқадам трестда

ЕТТИ ОЙЛИК ПЛАН БАЖАРИЛДИ

«Главташкентстрой»га қарашли 3 трест коллективи 7 ойлик планни муддатидан уч ҳафта олдин бажарди. Планга қўшимча кўпгина қурилиш-монтаж ишлари адо этилди.

Пешқадам трест ярим йил мобайнида 9916 квадрат метр уй-жой майдонини фойдаланишга топширди. Бу планда кўрсатилганга нисбатан 1.5 баравар кўп. Бундан ташқари 280 ўринли болалар богчаси, ошхона ва кўпгина маданий-маиший хизмат кўрсатиш муассасалари бинолари ҳам фойдаланишга топширилди.

Шунингдек 159-трест қурувчилари ҳам 7 ойлик планни бажариш арафасида турибди. 1 ва 2-қурилиш механизацияси трестлари эса эрта-индин галаба рапортларини беришади.

ЯНГИ МИКРОРАЙОНДА

Янги микрорайонда Қўйлиқ уй-жой массивининг қиёфаси кун сайин янги тус олмоқда. 1-микрорайоннинг қаршисида Қўйлиқ-2 ва Қўйлиқ-3 деб аталмиш микрорайонлар барпо этилмоқда. Ҳар иккала районда 57 минг квадрат метр саҳнли 31 замонавий уй қад кўтаради.

Шаҳарча кенжатойлари учун ҳар бири 280 ўринли учта болалар богчаси бунёд этилади. 1496 ўринли мактаб, 700 кишига хизмат қиладиган поликлиника, 900 кишилик жамоат маркази ишидан аҳоли баҳраманд бўлади.

Хонадонлар учун барча қулайликлар яратиладиган янги микрорайонда 3-қурилиш трестининг 15-қурилиш бошқармаси бинокорлари меҳнат қилмоқдалар.

ОБ-ҲАВО

бугун

кечаси 21-23, эртага кундузи 36-38 даража иссиқ бўлади.



Пойтахтимизга меҳмон бўлиб келган туристлар серқўёш республикамиздан ёдгорлик сифатида турли совға буюмлар олиб кетадилар. Бунда уларга «Узювелирторг» магазинларининг сотувчилари яқиндан кўмаклашмоқдалар.

СУРАТДА: «Узювелирторг» 22-магазинининг 9-филиалида савдо пайти.

МАГАЗИНДА ЯНГИ БЎЛИМ

Бугун шаҳардаги 4-китоб магазинида «В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига донр адабиётлар» деган махсус бўлим очилди. Доҳий юбилейи муносабати билан китобхонларнинг В. И. Ленин асарларига, у ҳақда ёзилган эсдаликларга қизиқишн ортганлигини ҳисобга олиб очилган бу бўлимда 170 хилдан ортиқ китоб, брошюра ва тўпламлар бор.

Оқ йўл, ёш ўқитувчилар

Низомий номли давлат педагогика институти мажлислар залига барча битирувчи курс студентлари ва уларнинг устозлари тўпланишган.

Битирувчиларга бағишланган анъанавий кечада институт ректори, тарих фанлари доктори, Узбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Ш. Абдуллаев олий маълумотли ўқитувчи деган шарафли номга лойиқ бўлган ёш ниҳол тарбиячиларини қизғин табриклади.

Шундан кейин тарих фанлари доктори, профессор З. Нуриддинов ҳамда институт комсомол комитетининг секретари Ю. Каплин ва бошқалар ҳам сўзга чиқиб, ёш ўқитувчиларни табриклашди.

Битирувчи ёш ўқитувчилар номидан табиият-география факультетидан Рашид Менгалимов, филология факультетидан Сафо Матжонов, математика факультетидан Зумрад Жалилова-лар сўзга чиқишиб, ўзларини беш йил тарбиялаган устозларини олқишлаб, уларга ижодий ишларда муваффақиятлар тиладилар ва доим меҳнат фволиятларида институт ўқитувчилари билан алоқада бўлишларини айтдилар.

Бу йил институтнинг мавжуд 8 факультетидан 940 ёш мутахассис-ҳаётга йўлланма олди. Битирувчиларнинг кўп чилиги чўлларни ўзлаштиришга ўз ҳиссаларини қўшиш учун отландилар. Жумладан, биргина табиият-география факультетидан 100 га яқин ёш ўқитувчи Қарши, Шеробод чўлларига йўлланма олдилар.

ҚАРДОШЛАР СОВҒАСИ

Кеча шаҳар товар станциясига 35 тонна сут маҳсулотлари келди. Бу Корея Халқ Демократик Республикасининг қардош Ўзбекистонга муносиб армуғонидир.

Сифатли сут маҳсулотлари тез кунларда савдо магазинларига чиқарилади.

Жаҳон—Тошкентга

Прага—Тошкентга

Шаҳар товар станциясига Чехословакия Социалистик Республикасидан Тошкент тепловоз вагон ремонти заводи учун эҳтиёт қисмлар келди.

Октябрь революцияси номидаги завод ремонтчилари яқинда бошқа чет эл мамлакатларидан ҳам эҳтиёт қисмлари олган эди.

ЛЕКЦИЯЛАР

Яқинда шаҳар трамвай-троллейбус паркининг ишчилар клубида район «Билим» жамиятининг лектори И. Кулибаев «Жаҳон бир ҳафта ичида» деган мавзуда лекция ўқиди.

Ҳалқаро темага бағишланган бу қизиқарли ва мазмунли лекцияни ишчилар катта қизиқиш билан тинглашди.

⊙ ҚУРИЛИШ МАЙДОНЛАРИДА

ЯНГИ МАКТАБ

159-қурилиш трести бинокорлари биринчи сентябргача 3 минг ўринли 4 та умумий таълим мактаблари биноларини қуриб фойдаланишга топширишади.

Куни кеча трестнинг 22-қурилиш бошқармаси 536 ўринли дастлабки бир мактаб биноси қурилишида сўнгги пардозлаш ва жиҳозлаш ишларини ниҳоясига етказди. Яқинда мактаб фойдаланишга топширилади.

ШИФОБАХШ ДАРГОҲ

«Узбексельмаш» заводи ёнида қад кўтараётган беш қаватли турар-жой биноси ўз чиройини кўз-кўз қила бошлади. 9-қурилиш трестининг усталари бунёд этаётган 60 квартирали бу уйга машинасозларнинг оилалари кўчиб киради.

Бинони шифобахш даргоҳ ҳам деб аташ мумкин. Унинг биринчи қаватида «Узбексельмаш» заводининг медицина-санитария қисми жойлашади. Ҳозир сўнгги пардозлаш ва жиҳозлаш ишлари олиб борилаяпти.

Машинасозларнинг шифобахш даргоҳи бир неча бўлимдан иборат бўлиб, замонавий медицина асбоб-ускуналари билан жиҳозлантирилади.

АКТИВЛАР МУКОФОТЛАНДИ

В. И. Ленин номли республика пионер ва ўқувчилар саройида 50 га яқин турли тўгарак мунтазам равишда ишлаб турипти, уларда 2500 дан ортиқ ўқувчилар қатнашади.

Саройнинг бугун фаолияти болаларнинг бўш вақтлари қизиқарли ўтишига қаратилган.

Бадиий тўгаракларда болалар ашула айтишни, ўйин тушишни ўрганадилар, музикадан билимларини оширадилар, техник тўгаракларда эса улар турли буюмлар ясайдилар.

Яқинда сарой маъмурияти тўгарак ҳамда жамоат ишларида актив қатнашган 16 ўқувчини марказий шаҳарлар бўйлаб экскурсияга чиқиш путёвкаси билан мукофотлади. Улар 35 кун давомида Москва, Ленинград, Рига шаҳарларини томоша қилиб қайтадилар.



Тошкентдаги 14-профессионал-техника билим юрти республикамиз машинасозлик корхоналари учун кадрлар, ҳисоблаш машиналарининг механиклари каби мутахассисларни етказиб беради.

СУРАТДА: билим юрти ўқувчилари Людмила Нишчук ва Любовь Чегодаевалар амалий машғулотда.

И. Глауберзон фотоси.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

◆ Польша Халқ Республикасининг миллий байрами — Польша тикланганлигининг 25 йиллиги муносабати билан Л. И. Брежнев Н. В. Подгорний ва А. Н. Косигин ўртоқлар В. Гомулка, Н. Спихальский ва Ю. Циранкевич ўртоқларга табрик телеграммаси йўлладилар.

◆ 17 июлда Ой атрофидаги орбитага чиқарилб қўйилган Совет автомат станцияси «Луна-15» учишни давом эттирди. «Луна-15» автомат станцияси Ой атрофидаги космик фазода илмий тадқиқотларни давом эттирмоқда.

◆ Россия Федерациясида ўзбек адабиёти ва санъати декадаси ўзининг тантанали юришини бошламоқда. Кеча Горький аэропортида митинг бўлиб ўтди. Митинг қатнашчилари қардош халқлар дўстлигининг ёрқин байрами бўлган декаданинг аҳамияти тўғрисида гапирдилар.

ОЙ ЮЗАСИГА ЧИҚИШ

НЬЮ-ЙОРК, 21 июль. (ТАСС). «Аполлон—11» космик кемасининг Ой-кабинасини Э. Олдрин билан бирга Ойга қўндирган америкалик космонавт Н. Армстронг бугун эрталаб кабинадан чиқиб, Москва вақти билан соат 5 дан 56 минут ўтганда Ой юзасига қадам қўйди. Соат 6 дан 16 минут ўтганда эса Ернинг сунъий йўлдоши юзасига Олдрин ҳам чиқиб, Н. Армстронгга ҳамроҳ бўлди.

ИНДИРА ГАНДИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ДЕҲЛИ, 21 июль. (ТАСС). Ҳиндистон бош министри Индира Ганди 19 июлда Ҳиндистон радиоси орқали гапириб, мамлакатдаги 14 та етакчи банкларни рационализация қилиш тўғрисида ҳукумат чиқарган қарорни тушунтириб берди. Индира Ганди «лозим бўлган равишда идора қилинадиган банк системаси халқ олдида турган проблемаларни ҳал қилишга ёрдам беради», деди. Бош министр халққа ва шу жумладан, банкларнинг хизматчиларига мурожаат қилиб, уларни бу ишда ҳукуматни тўла равишда қувватлашга чақирди.

Ҳиндистон Коммунистик партиясининг Ҳиндистон парламентн юқори палатасидаги парламент группасининг бошлиги Бухупеш Гупта ҳам ўз фикрини айтиб, «ҳукуматнинг мамлакатдаги энг катта хусусий банкларни национализация қилиш тўғрисидаги қарори миллий манфаатларга жавоб беради. Иқтисодий кучни ва бойликни ўз қўлига тўплаб олган бир ҳовуч монополиячиларга қаттиқ зарба бўлиб урилади», деди.

«Мамлакатдаги прогрессив кучларнинг ҳаммаси,— дейди Гупта банкларни национализация қилишни талаб қилиб келган эдилар. Бу тадбир халқимизнинг энг зарур эҳтиёжларига жавоб беради».

ХАНОЙДА МИТИНГ

ХАНОЙ, 21 июль. (ТАСС). ВИА агентлиги хабар беради: Вьетнам тўғрисидаги 1954 йилги Женева битимлари имзоланган кунининг 15 йиллиги муносабати билан бу ерда катта митинг бўлди.

Вьетнам ватан фронти Марказий Комитети Президиумининг раиси Тон Дук Тханг митингни очиб, кейинги 15 йил ичида Америка империалистлари Вьетнам тўғрисидаги Женева битимларини қабўлдик билан бузаётганликларини айтди.

Вьетнам Демократик Республикасининг Бош министри Фам Ван Донгни митинг қатнашчилари гулдурос олқишлар билан кутиб олишди. У президент Хо Ши Миннинг Вьетнам халқига мурожаатини ўқиб берди.

Митинг қатнашчилари бугун Вьетнам халқининг Америка агрессиясига қарши кескин курашини давом эттиришга махкам бел боғлаганлигини ифодаловчи резолюцияни яқдиллик билан қабул қилдилар.



БОЛГАРИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ. СУРАТДА: Софиядаги мармазий гастроном.

● Комсомол ҳаёти

Бинокор ёшлар аҳди

Секретарь кабинетида трестдаги бинокор ёшларнинг ибратли ишлари хусусида гаплашиб ўтиришибмиз. Шу пайт хона эшиги ярим очилиб, чеҳрасидан нур ёғилиб турган жуссадор йигит кўринди. У тортинибгина келиб биз билан кўришгач, секретарь кўрсатган стулга оҳиста ўтирди.

— Ҳозиргина сизга айтиб ўтирган рационализатор комсомолимиз Маҳамадамин Тоҳиров мана шу кишн бўлади, — дея бизга таништирди трест комсомол комитетининг секретари Р. Файзуллаев.

— Темир-бетон плитаси ўрнига каркасдан тайёрланганини ишлатиш тўғрисидаги таклифингиз қурилишларга жорий этилгани билан биз қизғин табриклаймиз, — дея Маҳамадамингга юзландик.

У самимий миннатдорчилик билдирди.

М. Тоҳиров «Главташкентстройга қарашли 3-қурилиш трестида бунёдкорлик меҳнати билан шуғулланаётган ёшларимиз фахри экан. Унинг сўнгги бир йил мобайнида ишлаб чиқаришга жорий этилган тўртта қимматли ихтирочилик таклифи давлатга 22407 сўм фойда берди. Бундай рационализатор ва ихтирочилик таклифлари билан трест бунёдкорларн ҳаётига актив иштирок этаётган ёшларни кўплаб топиш мумкин. Шулардан бири М. Сачковдир. Тиниб-тинчимас бу йигитнинг жорий этилган қимматли таклифларн эвазига давлатнинг кўплаб маблағи тежаб қолинди.

Трестдаги қурилиш бошқармаларида 150 нафар бинокор комсомол жасорат кўрсатиб меҳнат қилаяпти. Уларнинг ҳаммаси кунлик топшириқларини ошириб бажарилмоқда. Комсомол бинокорлар йил бошидан буён 72 хонали турар-жой биносини қурдилар. Қўйлиқдаги биринчи массивда тўртта кўп қаватли турар жой ва 1-уйсозлик комбинати учун ётоқхона, кўп заводли учун қўшимча кўпгина бинолар тиклашда ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар.

— Комсомолларимиз, — дейди трест комсомол комитетининг секретари Риҳсивой Файзуллаев, — бутун фаолиятини доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини арзигулик совғалар билан кутиб олишга қаратганлар.

Ҳозирги кунларда Ленин зачётларн давом этмоқда. Бу тадбир тўрт босқичга бўлинган. Ҳар бир босқич мобайнида комсомолларимиз Ленин асарларини ўрганаётганликлари, бинокорлик соҳасида янги касбларни эгаллаганликлари, олий ўқув юртларига киришга тайёргарлик кўраётганликлари ва бошқалар ҳақида ҳисоб бериб борадилар.

Ленин ижодий меросини ўрганишга астойдил ҳаракат қилаётган бинокор ёшлар, улуғ санага атаб фотоальбомлар, стендлар тайёрлаш ишига катта аҳамият бермоқдалар. Шу кунга қадар 16 ва 57-қурилиш бошқармаларида, трест аппаратида доҳиймиз В. И. Ленин ҳаёти ва революцион фаолиятини тўлиқ акс эттирувчи стендлар бунёд этилди.

Трестдаги қурилиш бошқармаларида ишлаётган комсомол қурувчилар ўртасида коммунистик меҳнат ҳаракати кенг қулоч ёймоқда. 65 комсомол аъзоси коммунистик меҳнат зарбдорларидир. 21 та қурувчилар бригадасига коммунистик меҳнат бригадаси деган шарафли ном берилган. 14 та бригадада эса шу муқаддас номни олиш учун қизғин кураш кетяпти.

Бинокор комсомоллардан Р. Машарипов шаҳар Советининг Ш. Зайниддинов, М. Радиан, ўртоқлар эса Ҳамза район Советининг депутатларн ҳисобланади. Бу ўртоқлар ишлаб чиқаришдаги каби депутат сифатида ҳам ўзларига билдирилган ишончни шараф билан оқламоқдалар.

Трест комсомол комитети ишчан ёшлар ҳисобига комсомоллар сафини тўлдириб боришга ҳам катта аҳамият беради. Йил бошидан буён ўн икки кишн Ленин комсомоли сафига кабул қилинди. Етти кишига эса КПСС аъзолигига кандидатликка ўтиш учун тавсияномалар берилди.

Беш йилликнинг тўртинчи йилида трест бинокорлари олдида улкан вазифалар турибди. Биргина Қўйлиқдаги 1-массивда 22 та турар-жой биноси, шунингдек кўплаб бошқа объектлар қурилишини ниҳоясига етказиш лозим. Трест комсомолларн ҳам бу қутлуғ курашдан четда қолаётганлари йўқ. Улар бу бинолларни қуришда муносиб ҳисса қўшишга қатъий аҳд қилишган. Ҳозирда улар шу эзгу мақсад йўлида меҳнат қилмоқдалар.

К. ҲАМРОЕВ.



Октябрь революцияси номли тепловоз вагон ремонти заводида Виктор Горяиновни ҳамма ҳурмат қилади. У ленинча меҳнат вахтасида туриб ишлаб меҳнатда қувончли натижаларни нўлга киритаётир.

СУРАТДА: В. Горяиновни кўриб турибсиз.

И. Глауберзон фотоси.

● МЕЪМОРЛАРИМИЗ

Бахт йўли

БУТУН шаҳар уйқуда. Вақт алламаҳалга бориб қолган бўлса ҳам ҳали Ботир қоғоздаги чизмаларга тикилганча ҳаёл суриб ўтирарди.

У ўй-фикр гирдобида кўзлари уйқуга кетганини билмай қолди. Онаси эрталаб хона га кириб келганида ўтли столи устида турган қалин қоғозлардаги чизмаларга бошини қўйиб ухлаб ётарди. Ботир онасининг хонага келганини сезиб уйғонди.

Бону хола ўғлининг бошини силаркан, деди:

— Тўйибгина ухласанг бўлмайдими, ўзинг ҳам доим кеч ётишни одат қилиб олдинг, жон болам. Кечаси бир уйқуни олиб қарайманам, алланарсани чизиб ўтирасан.

Ботир онасининг гапига ҳеч нима демади, жилмайиб қўяқолди. Хайрлашиб ишга жўнади...

У қўлидаги линейка ва учи ўткир қаламн билан микрорайон лойиҳасидаги баъзи жойларни ўлчаб кўрди. Ўлчов асбобларини созлади. У борлиғи билан ишга берилганида хонага бўлим бошлиғи В. В. Сац-Диметрук кириб келди.

—Оббо, Ботиржон, яна каллай саҳардан ишни бошлабсан-да, — деди.

— Салом, Валерий Владимирович!

— Салом. Яша! Касбга қизиқсанг, ўзи шунақа бўлади, тиқчилик бермайди кишига.

Бошлиқ унга меҳр билан боқди. Сўнгра у ҳам қўлига қалам олиб микрорайон лойиҳасини кўздан кечира бошлади.

— Ниҳоясига етибди, — деди бошлиқ.

— Биноларни магистраль йўл ёқасидан узоқроқ жойлаштирганинг яхши бўлибди. Ботир. Кўча шовқини ва чанг-тўзондан сақланиш учун binolar oldiga дарахтлар ўтқазилса янада яхши бўлади.

Икки ҳамкасб яна чизмалар устида ўйлай бошлашди. Уларнинг иш куни ана шундай давом этади...

Бону хола оқшом ўғлини остона олдида қарши олди.

— Ўғлим, мунча жонингни жабборга бермасанг, ишни деб соғлиғингни йўқотиб қўясан-ку?

— Тўғри айтасиз ойижон, — деди Ботир чеҳрасида маюслик билан. —Киши дунёга бир мартаба келар экан, умрида бирор нарса қолдириши лозим. Инсон ҳаётдан кўз юмгани билан унинг ижоди халққа хизмат қилсин.

Ҳа. Ботир ҳақ гапни айтганди. У фақат шу орзу билан яшади, ўқиди, ўлгайди.

Инсонга икки нарса қанот бағишлайди, дейди халқимиз: бири орзу бўлса, иккинчиси меҳнат. Ҳар бир киши ўз орзусига етмоқ учун тинмай изланса, меҳнат қилса бас.

Мана тиниқ осмонга бўй чўзган базмни кранларнинг ғоз турнши. Бунёдкорлар Бекободда ўн икки минг кишига мўлжалланган 11, 12 микрорайонини барпо этмоқдалар. Тикланган ва яна қурилаётган binolarga сукланиб қарайсан, киши. Шунда бехтиёр лойиҳа ижодкорига офарин айтасан. Лекин бу binolar ижодкори Ботир Усмонов эканини ҳар ким ҳам билавермаса керак. Б. Усмоновнинг ижодий меваси бўлган бу binolar неча асрлар турса, унинг номи ҳам кишилар қалбида шунча вақт яшайди.

Ш. УБАЙДУЛЛАЕВ.
«Узгоспроект» институти.

● Ташвишли сигнал

Ёнилғи исроф бўлмасин!

Ленин район халқ контроли комитети ўз мажлисида райондаги автохўжаликларда нефть ҳом ашёларини сарфлаш ва уларни тежаш юзасидан ўтказилган текширув натижаларини кўриб чиқди.

Текширишда шу нарса маълум бўлдики, райондаги автохўжаликларда нефть ҳом ашёларини тежаб сарфлаш соҳасида бир қатор ишлар амалга оширилган. Масалан, 143, 145-автобазаларда ва соғлиқни сақлаш министрлигида ёнилғидан ўз ўрнида, тежаб-тергаб фойдаланишга катта эътибор берилиб, бу соҳада яхши ютуқларга эришилган.

Бироқ, ҳамма хўжаликларда ҳам бу соҳада иш кўнгилдагидек эмас. Текшириш кўрсатдики, райондаги кўпгина колективларда тежамкорлик бўйича оммавий ишлар етарли равишда олиб борилмаётир. Текширув ўтказилган тўрттала базада бензин ва мой материалларини тежаш бўйича ҳеч қандай чора-тадбир белгиланмаган. Жумладан, 145-автобазада (директори ўртоқ Квасников) автомашина заправка қиладиган мосламалар транспорт учун ноқулайлик туғдиряпти. Битта колонкада счётчик ишламайди. заправка қиладиган шланглар эса эскириб кетган, баъзи машиналарда спидометрлар йўқ.

143-автобазада эса (директори ўртоқ Пилишенко) ёнилғиларнинг кундалик сарфланиши ҳисобга олиб борилмайди. Бу ерда қанча бензин сарфлангани ойнинг охирида автомашиналарга кетган ёнилғига қараб аниқланади. Бу нарса шоферларда ёнилғини сарфлашга бефарқ қараш ҳолларини келтириб чиқармоқда.

Соғлиқни сақлаш министрлигининг автобазасида (директори ўртоқ Мирник) 5 ой ичида 2 тонна бензин ортиқча сарфланди. «Средазтрансстройнинг» базасида ҳам (директори ўртоқ Емцов) аҳвол яхши эмас. Бу ерда қанча бензин сарфланганлиги аниқ ҳисобга борилмайди. Бунинг устига устак шоферлар ҳам машинада кўп бензин бўлгани ҳолда уни камайтириб кўрсатишга, кўзбўямачилик қилишга ҳеч нима демайди, ёнилғини исроф қилаверадилар.

Халқ контроли комитети нефть ҳом ашёлари сарфланиши устидан етарли назорат юритмаганлиги учун «Средазтрансстрой» трестининг база директори ўртоқ Евцовдан жарима олишга қарор қилди. 145- ва 143-автобазаларнинг директорлари Квасников, Пилишенко ўртоқлар эса огоҳлантирилди.

А. ПАШКОВА,
Ленин район халқ контроли комитетининг штатсиз инспектори.

ШАҲРИМИЗ ЯНГИЛИГИ

ЯНГИ ДОРИХОНА

Октябрь район «Октябрь 40 йиллиги» маҳалласи территориясида ташкил қилинган дорихонага кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин бу дорихонадан истаган дорини топиш ва буюртма орқали дори тайёрлатиш мумкин. Бу ерда дори тайёрлаш ишлари яхши йўлга қўйилган. Маҳалла аҳолиси дорихона хизматидан мамнун бўлмоқда.

Т. МУСЛИМОВ.



СУРАТДА: Марказ-4 микрорайонининг кўриниши. Ҳозир бу ерда ана шундай гўзал 9 қаватли binolar кўплаб қад кўтарди.

М. Нуриддинов фотоси.

РЕДАКЦИЯГА ХАТ

БУ ҚАНДАЙ ГАП?

Комсомол майдони шаҳримизнинг энг гўзал жойларидан бири ҳисобланади. Биз яқин да шу ердаги «Россия» ресторанига қарашли чучварахонада овқатланмоқчи бўлдик. Бу ердаги аввалги стол ва стулларнинг ўрнига тик туриб овқатланиш столлари қўйилибди. Биз овқатни ейрканмиз, болаларнини етаклаб кириб, яна қайтиб чиқиб кетаётган кишиларни кўрдик. Кўз олдимизда бир оёғи йўқ киши қўлтиқ таёғига таяниб овқатланди.

Бу ҳолни чучварахона бошлиғига айтганимизда у стол ва стулларга 3—4 ой олдин заказ берганмиз. Лекин ҳалигача хабар бўлмаяпти, деди. Аҳвол шундай давом этаверса ёшлардан бошқа ҳеч ким бу ерга кирмайдиган бўлиб қолади. Хўрандаларга тегишли шароит яратилсин.

А. ТЕШАБОЕВ,
ТошДУ, биология факультетининг III-курс студенти.

ТАРТИБГА ТУШАДИМИ?

Йўлим тушиб «XXI партсъезд» массивига бордим. Лекин боришда жуда қийналдим. Бу ерга қатнайдиган 50-автобус ҳа деганда келавермади. Автобусни кутиш учун бир соатча вақт кетди. Шундан кейингина бу ерга битта автобус келди.

Илгари 50-маршрутли автобус йўлида ўн иккита автобус қатнарди. Негадир автобуслар сони 12 тадан 4 тага тушиб қолди.

«XXI партсъезд» маршрути бўйича автобус қатнови яхшиланадими йўқми? 3-автопарк раҳбарларидан шу саволга жавоб беришларини сўраймиз.

А. РАҲМОНОВ,
пенсионер.

ЖОНАЖОН ВАТАНИМИЗДА

Панасенколар ишчи сулоласининг 1914 йили Хабаровскдаги «Дальдизель» заводида бошланган. У пайтда Евстафий Панасенко биринчи марта собиқ шаҳар устахоналарига, совет қишлоқларига ёнғинсўндириш машиналарини ясаган. Ўшанда у ёш йигит эди. Ўзи ясаган машиналарни ўзи ҳайдаб, ёнғинларни ўчирган. Ўша пайтлар ёнғинга қарши курашда ҳозирги замон техникаси йўқ эди. Ёнғинларни ўчиришда ҳар бир минут қимматли эканини Евстафий Панасенко яхши биларди. Шунинг учун ҳам ёнғинларни ўчиришда ўзининг ташаббускорлиги, ақл-заковати ва ҳозиржавоблиги билан ажралиб турарди. Ёнғинларни ўчиришдаги ана шу хислатлари учун Евстафий Панасенко 1918 йилда Қизил Армия сафига чақирилган. Ўша йилларда Хабаровскда ёнғинларни ўчириш ишлари ҳарбий қисмларга топширилган эди. Евстафий Панасенко ҳарбий қисмда ҳам ёнғинларни ўчириш ишларини давом эттирди. Ҳарбий хизматдан қайтгач, у яна ўз заводига ишга келди. Ўша пайтларда завод ишчилари ёнғинларни ўчиришда ўзлар

● ЯНГИ КИШИНИ ТАРБИЯЛАЙМИЗ

Садоқатли ёшлар

Янги коммунистик жамият кишисини тарбиялаб етиштиришда илмий дунёқарашни шакллантириш ғоят муҳим аҳамиятга эга. Илмий дунёқарашни барча совет кишиларида шакллантириш эса уларнинг марксизм-ленинизм назариясини чуқур ўрганиш ва уни турмушга татбиқ этиш асосида вужудга келади.

КПСС Программасида партиямизнинг XXIII съезди қарорларида, шунингдек, КПСС Марказий Комитетининг 1967 йил 22 августдаги қарорида коммунизм қурилишида ижтимоий фанларнинг ролига жуда катта аҳамият берилган. Ана шу муҳим қарорларни амалга ошириб, сўнгги йилларда олий ўқув юртларида студентларнинг ижтимоий фанларни чуқур ўрганишига жиддий эътибор бериб келинмоқда. Ижтимоий фанларни ўқитишнинг ҳозирги системаси мувофиқдир. Дастлаб КПСС тарихи, сўнгра марксизмнинг таркибий қисмлари, марксча-ленинча философия, сиёсий иқтисод, сўнгра илмий коммунизм ўқитилади.

Гуманитар олий ўқув юртларида ва университетларнинг гуманитар факультетларида давлат имтиҳонларининг илмий коммунизм фанидан ўтказилиши ҳам мақсадга мувофиқдир. Илмий коммунизм марксизм-ленинизмнинг асосий сўнгги таркибий қисми бўлиб, ўзидан олдинги иккита таркибий қисмининг хулосаси сифатида вужудга келган.

Шундай экан, илмий коммунизм фанини фақат марксизм - ленинизмнинг олдинги таркибий қисмларини яхши, пухта ўрганиш асосида уларга суянган ҳолда чуқур ўзлаштириш ва тушуниш мумкин. Илмий коммунизм назариясини чуқур эгаллаш эса социализм ва коммунизм қурилиши проблемасини илмий ҳал этишда, коммунизмнинг моддий-техника базасини бунёд этишда, янги кишини тарбиялаб етиштиришда тобора кўпроқ аҳамият касб этмоқда.

Сўнгги йилларда Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институтининг ижтимоий фанлар кафедралари студентларга пухта билим бериш ишига, уларнинг ижтимоий фанларининг ғоявий-тарбиявий ролини тушунишларига эришишга катта эътибор бериб келмоқдалар. Йил сайин мунтазам суръатда студентлар докладлар билан чиқадилар. Бу тадбирлар ижтимоий фанларни пухта ўрганишга бевосита ёрдам бермоқда. Шунингдек, семинар машғулотларида студентларни мустақил фикр юритишга ўргатиш, семинар машғулотларининг назарий савиясини оширишга эътибор берилиши ҳам ижтимоий фанларни яхши ўзлаштиришнинг муҳим йўлидир. Лекция ва семинар машғулотларида кўргазмали материаллардан унумли фойдаланиш пухта билимнинг гаровидир. Ижтимоий фан ўқитувчилари студентларнинг дунёқарашига, уларнинг умумий савияси ривожланишига, мамлакатимиз ички ва ташқи сиёсатини тўғри тушунишларига жиддий аҳамият бериб келмоқдалар. Лекция ва семинар машғулотларининг ғоявий ва назарий жиҳатдан юксак савияда бўлишига, уларнинг тарбиявий томонига эътибор бермоқдалар. Бу тадбирлар бу йилги Давлат имтиҳонларида ўзининг яхши самарасини берди.

Бу йил 350 дан ортиқ студент институтни битириб, ёш авлодни тарбиялаш учун республикамиз область ва район мактабларига йўлланма олдилар. Дастлабки имтиҳон илмий коммунизм фанидан ўтказилди. Имтиҳонга кирган барча студентларнинг 80 проценти аъло ва яхши баҳолар билан ўтдилар. Имтиҳон комиссияси ҳар бир студентнинг жавобига, ҳулқига атрофлича эътибор бериб, уни объектив баҳоладилар. Айрим студентларнинг яқинда бўлиб ўтган жаҳон коммунистик ва ишчи партиялари халқаро Кенгаши қабул қилган ҳужжатларни яхши ўзлаштирганлиги имтиҳон комиссиясини мамнун қилди.

Давлат имтиҳон комиссиялари, ижтимоий фанлар бўйича билими, умумий савияси юқори бўлган актив жамоатчи студентлардан бир қанчасини ўз ҳисобларида қайд қилдилар. Бу эса, маънавий рағбатлантиришнинг маълум шаклидир.

Ана шундай студентлар қаторига француз тили факультетининг V курс студенти Ҳудойқул Иброҳимов, Ҳудойназар Отажонов, Аҳмадали Мамадалиев, Озода Абдуллаева, Дилором Шодиева, Светлана Букриевалар, инглиз тили факультетидан Т. Обидов, М. Усмонов, Т. Хусанова, Ш. Йўлдошев, Б. Ҳасановлар, немис тили факультетидан М. Мирзараҳмонова, В. Дегтярова, Г. Шералиева, М. Ҳаитов ва бошқалар киради.

Бу студентлар ўзларининг мутахассислик фанларидан ҳам юқори баҳоларга эришдилар.

Шуни ҳам айтиш керакки, институтнинг фалсафа ва илмий коммунизм кафедрасининг ўқитувчилари, доцентлардан П. Ҳамидов, П. Аъзамов, катта ўқитувчилардан Х. Мўминов, М. Галовалхова, О. Бугалова ва бошқалар студентларга нисбатан талабчанликни ошириб келдилар ва имтиҳонларга уларни пухта тайёрладилар.

Шундай қилиб, ижтимоий фанларни чуқур ўрганиш, ўзлаштириш студентларни ва барча меҳнаткашларни совет ватанпарварлиги ва пролетар интернационализми руҳида тарбиялашда, тобора муҳим аҳамият касб этмоқда.

М. КАМОЛОВ.
Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институти фалсафа ва илмий коммунизм кафедрасининг катта ўқитувчиси, тарих фанлари кандидати.

● Институт лабораториясида

РАСМЛАР ТИКЛАНМОҚДА

Илмий тажрибахона столлари устида ранги ўчиб, хиралашиб қолган нақшинкор девор парчалари турибди. Уларнинг баъзилари эса давр ўтиши билан



ўқаланиб, тупроққа айланган. Бир қарашда кишида унча қизиқиш уйғотмайди. Бу, Шарқнинг «Рими» ҳисобланган кўҳна ва навқирон Самарқандининг Афросиёб харобаларидан топилган сарой деворларидаги нодир ва нафис расмлардир.

Расмлар ер остида асрлар бўйи ётиши жараёнида ўзига кўп миқдорда минерал тузларни сингдириб олган. Унда физик-кимёвий ўзгаришлар рўй бериши натижасида бўёқлар бузила бошлаган. Шунинг учун ҳам ер остидан топилган археологик материаллар ёмон аҳволда учрайди.

Олимларимиз ҳозир ана шу ёдгорлик расмларни авайлаб тозалаб, ҳар хил кимёвий моддалар ёрдамида қотириб кўчириш усули билан уларни сақлаб қолиш устида илмий-тадқиқот ишлари олиб бормоқдалар.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Тарих ва археология институтининг археологик материалларни тиклаш ва кимёвий технологиясини ўрганиш лабораториясининг столлари устида катта-кичик нақшинкор девор парчалари ётибди. Илмий ходимлар уларни ўрганиш учун турли-туман тадқиқотлар ўтказаяпти.

Лабораториянинг илмий ходимларидан Анвар Ҳамбаров қадимги расмларни тозалаш ва қотиришнинг янги усулларини топиш устида тажрибалар олиб бориб, натижада расм бўёқларини сақлаб қолишда бир мунча муваффақиятларга эришди.

Лабораторияда раҳбари, техника фанлари кандидати Абдуғани Абдураззоқов бизга асли рангига келтирилиб қотирилган девор нақшларини кўрсатди.

— Биз Афросиёб харобаларидан топилган бу нодир расмларни ўз жойида қотириб кўчириб олиш усулини топиш борасида ҳам ишлаяпмиз, —деди олим.

Стол устида узунасига тахминан 1 метр, энига 45 сантиметр келадиган нақшинкор девор парчасида қилич ушлаган киши тасвирланган. Дид билан ишланган бу расм бошқа ердан топилган расмлардан устун туради. Бу, лаборатория ходимлари тиклаган катта расмлардан бири. Бу ерда бундай расмлар кўп. Уларнинг ҳар бири узоқ ўтмишдаги ота-боболаримизнинг юксак маданияти ва санъатидан далолат беради.

Р. РЎЗИМАТОВ,
СУРАТДА: илмий ходим Анвар Ҳамбаров иш устида.
Автор фотоси.

● Доришунос маслаҳати

Дорини қандай сақлайсиз?

Дорихоналарда турли дори-дармонларни врачнинг рецепти асосида миқдорига риоя қилиб, аниқ тайёрлашади.

Дорини олганингиздан сўнг уни тўғри миқдорда истеъмол қилиш ва сақлаш беморнинг ўзига ҳавола қилинади.

Олинган дорини қабул қилишда врач берган маслаҳатга риоя қилиш лозим. Бемор тез тузалиши ёки оғриқни тезда камайтириш мақсадида врач маслаҳатига риоя қилмай ўзбошимчалик билан дорини миқдоридан ошириб истеъмол этса, ўзини заҳарлаши ва кўнгилсиз ҳоллар юз бериши мумкин.

Айниқса, ёш болаларга дори ичиришда жуда эҳтиёт бўлиш керак. Катталарга нисбатан болаларга дори 20—30 марта кам миқдорда тавсия қилинади. Ёши 60 дан ошган қарияларга ҳам дорини истеъмол миқдори бир қанча камайтирилади.

Дориларни истеъмол қилиш вақтга ҳам боғлиқдир. Масалан, овқатдан олдин ошқорий моддалар, томир кенгайтирувчи сульфаниламид дорилари, фталазол, тетрациклин каби дорилар истеъмол қилинади.

Овқатланиш вақтида меъда-ошқозон ширасининг солянная кислотаси, ацедол-пепсинларни истеъмол қилинади.

Овқат истеъмол қилиниб бўлгандан сўнг темир, бром, йод, хлор юракка ишлатиладиган глюкозидлар, сил касалликларига ишлатиладиган дорилар ва бошқа қитиқловчи таъсирга эга бўлган, нафас қисганда ва қон босими ошганда ишлатиладиган дорилар истеъмол қилинади.

Дориларни шифобахшлик сифатини сақлаш учун уй шароитида сақлашга риоя қилиш лозим. Кўпчилик дорилар ёруғлик нуридан бузилади. Ҳарорат ортиқлигидан эрийди ёки ҳаддан ортиқ совуқда сақланса музлаб қолади. Маун илдизининг сувдаги қайнатмаси, гулхайри ва термопсиснинг сувдаги эритмалари ва бошқа кўпчилик ўсимликлардан тайёрланган дорилар икки-уч кунда бузилади, холодильникда эса узоқроқ сақланади.

Бузилган дорининг ачимсиқ ҳидидан, рангидан ва тагига чўкма тушганлигидан аниқланади.

Йод ва бром брикмаларининг сувдаги эритмалари қуёш нуридан сарғаяди. Бу хилдаги дорилар истеъмол қилишга ярамайди. Ун ҳолидаги дорилар нам тортиши натижасида хамирга ўхшаб қолади, рангини ўзгартиради ва қўланса ҳид беради.

Фармацевтика заводларида ишлаб чиқарилган дориларнинг ёпиштирилган қоғозчаларида (этикеткасида) дорининг номи ёзилиши билан бирга, уни қайси шароитда сақлаш ва яроқлик муддати ёзилган бўлади.

Агарда дори эски бўлса, устига ёзилган хати ўчган ёки қоғози тушиб кетган бўлса, уни ишлатмай ташлаб юбориш керак.

Шундай қилиб, дорини шароитига, миқдорига ва истеъмол вақтига риоя қилиб, врач маслаҳати билан ишлатилса, у шифобахшдир.

Ҳ. А. АҲМЕДОВ.
Ўзбекистон дорихоналар Бош бошқармасининг тиббиёт-ахборот бўлимининг мудири.

Санъаткорларимиз Новосибирскда



СУРАТДА: ўзбек аёлларидан биринчи бор етишиб чиққан чангчи Фазилат Шукурова.

В. Лейзерович фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

М. Горький номли рус Давлат академик драма театрининг коллективи шу кунларда Новосибирскда ўз санъатини муваффақиятли намойиш қилмоқда.

Тошкентлик санъаткорлар Гоголнинг «Ревизор», Лев Толстойнинг «Зулмат остида», Шиллернинг «Дон Карлос», Л. Малюгининг «Сент-Экзюперининг ҳаёти» Д. Угрюмовнинг «Кимсасиз хонада қўнғироқ», В. Константинов ва Б. Рацернинг «Севгига ўн кеча-кундуз» Д. Патрикнинг «Фрибгарлар керак» ва Т. Кажушникнинг «Қайнона» деган асарларини намойиш қилмоқдалар.

Театрнинг юз кишилик коллективи Новосибирскдан кейин Омскда ўз гастролларини давом эттиради.

А. ҚУШШАЕВ.



Тошкент Марказий Универмагида янги ўқув йили олдидан хилма-хил ўқув қуроллари сотила бошланди.

СУРАТДА: маданий моллар секциясининг бош сотувчиси В. Лазаренко янги портфеллар билан савдо қиляпти.

Жаҳон ойнаси

ПОЛЬША ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ 25 ЙИЛЛИГИ

Тарих белгилаган йўл билан

Стефан ОЛЬШОВСКИЙ,
Польша Бирлашган ишчилар партияси Марказий Комитетининг секретари.

ХАЛҚ Польшасининг 25 йиллиги социалистик қурилишдаги ютуқларимиз, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ҳақида ўйлашнинг айни мавридидир. Ҳозир биз ПОРП V съезди томонидан қўйилган янги вазифаларни амалга оширяпмиз.

Чорак аср мобайнида биз босиб ўтган йўл — бу биринчи навбатда саноатни ва бутун миллий экономикани тўла тиклаш, сўнгра эса қатъий реконструкциялаш, демакдир. Бугунги ПХР — миллий даромаднинг ярмини социалистик корхоналар берадиган индустриал-аграр мамлакатдир. Республика пўлат, электр энергия, цемент ишлаб чиқариш кемалар қурилиши бўйича дунёдаги саноати ривожланган дастлабки ўн мамлакат қаторида туради. Биз яратилган базага таяниб, саноат-экономика активлигини ошириш мақсадида ҳозир хўжаликни планлаштириш методларини такомиллаштиряпмиз.

Саноат ривожланишининг бундан кейинги тараққиёти меҳнаткашларнинг билим ва малакасини ошириш билан биргаликда амалга оширилади. Владислав Гомулка ПОРП V съездини ёпаётиб, социалистик революциянинг илмий-техника революцияси билан қўшилиши бизнинг системамизни енгилмас қилади, деб таъкидлади. Бу ривожланган капиталистик мамлакатлар учун типик бўлган социал ва руҳий қашшоқликдан холос бўлган гармоник ривожланган социалистик давлат қуриш демакдир.

Босиб ўтилган йўлга қараб, фахр билан бизнинг жамиятимиз коммунистлар партияси — ПОРП раҳбарлигида улкан ишларни амалга оширди, деяоламиз. Утмишда қолоқ бўлган Польшанинг одатдагидан тез суръатлар билан ривожланиб, замонавий техникаси ва кучли ишчилар синфи бўлган индустриал-аграр мамлакатга айланиши поляк меҳнаткашлари онгида ва сиёсий қарашларида чуқур ўзгаришлар асос солди. Бу жараёнда социалистик индустрия ҳал қилувчи роль ўйнади.

Бу ўзгаришлар социалистик демократия формаларини ривожланиши ва чуқурлашиши, янги ғоявий-маънавий баҳонинг қарор топишида замин бўлди. Йирик саноат корхоналаридаги социалистик меҳнат меҳнаткашлар учун фикрий тараққиёт ва ҳаёт мактаби бўлди. Синфий ғурур, активлик, социалистик ватанпарварлик, меҳнат интизоми, жамият фаровонлиги ва ишлаб чиқариш масалаларидаги зарурий манфаатдорлик — ишчилар синфига хос бўлган бу сифатлар эндиликда жамиятимизнинг энг кенг қатламларида ҳам қабул қилиняпти.

Моддий асоснинг ривожланиши ва айни пайтнинг ўзида партия ва оммавий ташкилотлар иши янги инсоннинг — социализм даври кишисининг юзага келишига имкон берди. Унинг шаклланиш жараёнида партиянинг маориф ва маданият соҳасидаги программаси ҳам катта роль ўйнади. ПОРП маънавий ҳаётнинг ҳамма соҳаларини ўзгартиришда раҳбар куч бўлди.

Партия ва давлатнинг мана шу ҳаракатлари натижасида 25 йил мобайнида меҳнаткашлар кенг қатламларининг маънавий бирлашиши юз берди.


Халқ давлати маориф соҳасидаги ютуқлари билан фахрланади. Бизда буржуазия идеологияси таъсиридан озод бўлган, чинакам социалистик мактаб барпо қилинди. Студентларнинг социал таркиби кескин ўзгарди, уларнинг сони анча ошди. Дипломли мутахассисларнинг 90 проценти халқ Польшаси шароитида институтларни битирдилар.

Ишчилар синфи ва меҳнаткаш деҳқонлар билан бирга бўлган мутахассис кадрларни тарбиялаш жараёни индустриал тараққиёт, қишлоқлардаги маданий ўзгаришлар, жамият ҳаётининг активлашиши билан баравар боряпти. Янги интеллигенциянинг социалистик ҳарактерини ундаги партиявий қатлам ҳам белгилайди. Бугунги кунда ҳамма инженерларнинг 40,8 проценти, ўқитувчиларнинг 40 проценти ПОРП аъзоларидирлар.

Ўтган йилнинг март ойидаги воқеалар янги интеллигенция ишчилар синфи билан мустаҳкам иттифоқда бўлса, реакцион ва ревизионист кучларнинг меҳнаткашларнинг социалистик ютуқларига қарши қаратилгани ҳар қандай уринишларга қақшатғич зарба бериши мумкинлигини кўрсатди.

Ишчилар синфи ва унинг партиясининг сиёсий донолиги социалистик қурилишнинг 25 йиллик тажрибасида исботланди. У бутун халқ томонидан қўллаб қувватланган ташқи сиёсат соҳасида ҳам намоён бўляпти.

Польша бошқа социалистик давлатлар билан биргаликда Варшава Шартномаси аъзолари бўлган давлатларнинг хавфсизлик ва қитъамизда ҳамкорлик қилиш масалалари бўйича умумевропа конференциясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Будапешт мурожаатида қатнашди.



Польша кемасозлик саноати — халқ хокимияти йилларида ташкил қилинган янги индустрия тармоқларидан биридир. Гданскдаги кемасозлик верфи ўрнида илгари унча катта бўлмаган балиқчилар қатер ва қайиқлари тайёрланган бўлса, эндиликда ҳозирги замон жаҳон кемасозлиги даражасидаги маҳсулотларни ишлаб чиқармоқда. 20 йил мобайнида бу ерда 520 дан ортиқ кема тайёрланди.

СУРАТДА: Гданск верфида.

ЦАП.АПН

ЮБИЛЕЙ ЙИЛИНИНГ СТУДЕНТЛАРИ

ВАРШАВА. (ТАСС). Польша Халқ Республикасидаги олий ўқув юртларининг кўпчилигида қишлоқ хўжалиги ҳамда тиббиёт институтларига кириш имтиҳонлари тамом бўлди. Янги ўқув йилида биринчи курсларда 47 мингдан ортиқ студент, яъни ўтган йилдагига нисбатан 5 мингта кўп киши шуғулланади. Ҳозирги вақтда халқ Польшасининг 64 олий ўқув юрти бор. Юбилей йилида ана шу олий ўқув юртларида 304 мингдан ортиқ йигит ва қиз ўқийди.

Шу нарса характерлики, барча студентларнинг 40 процентини меҳнаткашлар ташкил этади.

Италия

ПОЛИЦИЯДАГИ ЖАНЖАЛ

Италиянинг юқори доираларида навбатдаги жанжал кўтарилди. Бу гал унга олий полиция маъмурлари аралашган. Пойтахт полициясининг вице-префекти Никола Сцире қамоққа олинди. У жиноятчиларнинг ашаддий душмани сифатида ном чиқарган эди. Унинг қамоққа олиниши, айниқса, ўтакетган гангстер сифатида қўлга тушганлиги катта шов-шувга сабаб бўлди. Сцире бутун Италияда яширин қимор уйлари очган жиноий ташкилотнинг қатнашчиси ва ҳомийси экан. Бу ташкилотнинг оборотн миллиард лирдан ортиқдир.

Сцире муғомбирлик қилмоқчи бўлди. У дарҳол ўзига қўйилган айбларни бўйнига олди ва ўз хатти-ҳаракатларини ана шундай алоқалар туфайли ҳавфли жиноятчиларни фош қилдим деб изоҳламоқчи бўлди. Лекин терговда Сцире ҳар куни ҳар бир қимор уйидан 300 минг лирдан 400 минг лиргача пул олганлиги аниқланди.

Сцире можароси жанжалнинг бошланиши эди. Июнинг охирида пойтахт полициясининг префекти Розарио Мельфи ўз мансабидан ажралди.

Газеталар қадимий суратлар ва бошқа санъат асарларини қонунга хилоф равишда чет элга чиқариш билан боғлиқ бўлган жиноят фош қилинганлигини ёзмоқдалар. Полициянинг олий маъмурлари ёрдам бермаса, бундай асарларни чет элга чиқариб бўлмайди. Бу ҳақдаги хабар пайдо бўлиши биланоқ яна бир полиция арбоби — Сантильо шаҳри полициясининг бошлиги истеъфо берди.

Италия демократик матбуотининг фикрича, Сцирениинг қамоққа олиниши ва ундан сўнгги истеъфолар янада юқорироқ мансабдаги шахсларни сақлаб қолиш мақсадида жанжални чеклаб қўйиш истаги натижасидир.

Жанубий Вьетнам

ҚОЧОҚЛАР

Миллий Озодлик фронтининг Жанубий Вьетнам ҳарбий қисмларидан қочган америкалик солдатлар озодлик кучлари томонига ўтмоқда, деган хабарларини Қўшма Штатлар ҳарбий маъмурлари шу вақтга қадар рад этиб келган эдилар. Лекин бу фактни эндиликда рад этишнинг ножи бўлмай қолди. Англияда чиқадиган «Дейли экспресс» газетаси мухбирининг Сайгондан хабар қилишича, Америка қўмондонлигининг расмий вакили Жанубий Вьетнамда ҳар куни америкалик ўн солдат қочишини ва улардан кўпчилиги Миллий Озодлик фронти томонига ўтишини тан олди.

Кўп ҳолларда қочоқлар озодлик кучларига актив ёрдам кўрсатмоқдалар. Чунончи, улар кўчма радиостанциялар ва махфий кодлардан фойдаланиб, Америка артиллерияси ўтини сохта объектларга қаратмоқдалар, Баъзи қочоқлар Миллий Озодлик фронти сафларида қўлга қурол олиб жанг қилмоқдалар.

«Дейли экспресс» мухбирининг далолат беришича, қочоқларнинг кўпчилиги негрлардир ва бу тасодиф эмас. Мухбир қора танли солдатлар Вьетнамдаги урушгагина эмас, балки шу билан бирга негрларга ўз ватанларида гражданлик ҳуқуқлари беришдан бош тортаётган Америка жамиятига қарши норозилик билдириб, қочиб кетмоқдалар.

АҚШ

«МЕНИ ЎҒИРЛАБ КЕТИШДИ!»

— Қоровул! Қутқаринглар! Мен қора «Бьюик — Ривьера» автомобилиман. Менинг номерим — 1234. Мени ўғирлаб кетишди! Ёрдам берингларг! Полицияга хабар қилинглар!

Бу фантастика эмас. Ердам сўраб бақирадиган автомобиль ҳақиқатда бор нарса. Июнь ойининг иккинчи ярмида Нью-Йоркда очилган савдо кўргазмасига келганлар, бунга ишонч ҳосил қилдилар. 1234 номерли автомобиль шу кўргазмада намойиш қилинди. Намойиш қилувчи киши машинага ўтириши билан автомобиль овозининг борича бақира бошлайди.

Бақирадиган машина учун нархи 90 доллар турадиган мосламани (турли деталларга сезгир асбоблар, махсус магнитофон, овоз кучайтиргич ва бошқалар) «Баллистикс контрол корпорейшн» фирмаси намойиш қилди. Бу асбоблар статистика маълумотларини ҳисобга олиб ясалган.

«Нью-Йорк дейли ньюс» газетасининг гувоҳлик беришича: ўғрилар Нью-Йоркда ҳар етти минутда бир машинани, ҳар соатда 8 автомобилни, бир кечакундузда эса 200 га яқин автомобилни ҳайдаб олиб қочадилар. Лекин бу маълумотлар бутун мамлакатдаги автомобиль ўғрилигига нисбатан жуда камдир. Федерал тергов бюроси ўтган йилнинг кузида эълон қилган маълумотларга кўра, мамлакат бўйича ҳар 48 секундда бир автомобиль, ҳар соатда 75 та, бир кеча кундузда 1800 та автомобиль ўғирланади.

Шундан кейин Америкада ёрдам сўраб бақирадиган автомобиль пайдо бўлганига ажабланиб бўладими!

Бизнинг интервью

САФАРЛАР ЧОРЛАЙДИ

Ҳозир айни саратон. Экскурсиялар, саёҳатлар, походлар, авжига чиққан пайт. Айниқса санаторий, дам олиш уйларида яйраб ором олишга нима етсин?

Совет давлати туризм ва саёҳатни ривожлантиришга катта маблағ ажратяпти. Туристлар учун махсус базалар, кемпинглар, меҳмонхоналар, қадвахона-ошхоналар қуриляпти. Спорт нинг қишки турлари иштирокчиларига қанотлангарғимчоқ йўллари, вахмалаклар, чанғи станциялари, спорт жиҳозлари яратиб берилмоқда. Саёҳатчиларнинг самолётда, вертолётда учишлари, поезд ва автомобилларда юришлари таъминланган.

Ўтган йили Бутуниттифоқ бўйича турли маршрутлар бўйлаб республикамиздан саккиз мингдан ортиқ киши сафарга чиққан эди. Бу йил шу рақам янада кўпаяди.

Биз Ўзбекистон ССР туризм Советининг раиси Т. Бурхоновга ёзги саёҳатлар борасида қандай тадбирлар амалга оширилаётганлигини гапириб беришни илтимос қилиб, мурожаат этдик.

— Бизда Бутуниттифоқ туристик саёҳат бўйича саккизта маршрут бор,— деди у— унга Урта Осиё республикалари ва Ўзбекистонимизнинг энг сўлим ва гўзал жойлари бўйлаб Ленин бўлган жойлар бўйлаб саёҳатларга чиқувчилар илтимослари кўпайиб боряпти.

Бундан ташқари туристик поезд билан Тошкент — Куйбишев — Москва — Қозон ва Ульяновск шаҳарларига бориш мумкин. Бу жойлар бевосита Ленининг ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ.

Мактабларимизнинг ўқувчилари ҳам ёзги каникулни мароқли ўтказади. Улар учун Улуғ Ленин яшаган жойлар бўйлаб саёҳатлар уюштирилмоқда.

Республика туризм Совети Ўзбекистон бўйлаб тўртта янги маршрут ташкил қилишни мўлжаллаган. Улардан иккитаси «Шаҳарларнинг тарихий архитектура обидалари бўйлаб» деб аталади. Бу трассалар Тошкентдан бошланиб Самарқанд, Бухоро Урганч ва Хева шаҳарларини ўз ичига олади. Иккита маршрут эса Фарғона ва Зарафшон водийси бўйлаб давом этади.

РСФСР, Украина, Белоруссия, Эстония, Литва, Латвия республикаларига ташкил этиладиган маршрутлар ҳам чиқоятда мазмунли ва гаштли бўлади.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Мамлакатда туризм ва экскурсиянн келгусида ривожлантириш тадбирларн тўғрисида» ги қарори миллионлаб совет кишилари, шу жумладан ўзбекистонлик саёҳатчилар учун айни муддао бўлди.

Туризм базаларини яратишга жиддий эътибор берилаяпти. Беш йилликда ҳаммаси бўлиб 20 та йирик объект фойдаланишга топширилади. Тошкентда 300 ўринли «Саёҳат» меҳмонхонаси ишга тушириладн.



Шанба ва якшанба кунлари Чирчиқ соҳили шаҳарликларнинг энг яхши дам оладиган жойларига айланади.

СУРАТДА: Чирчиқ бўйида.

М. Нуриддинов фотоси.

● Озодалик—туман бойлик

ПАШША—САЛОМАТЛИК ДУШМАНИ

Тошкентнинг истироҳат боғларида ариқларнинг шўҳ наъмасини тинглаб дам олиб овқатланган киши пашшалар йўқлигидан кайфи чоғ бўлади. Дока ва сеткалар тўсмасдан яшаш ҳамманн ҳам қувонтиради.

Бу муваффақият тасодифий эмас. Биз унга пашшаларга қарши курашнинг тўғри ташкил қилинниши, шаҳар аҳолиси орасида санитария-оқартув ишларининг тўғри олиб борилиши натижасида эришдик.

Шуни унутмаслик керакки, пашшанинг ривожланишига 6—8 кун кифоя, бир мавсумда бир пашша ўн миллион насл қолдиради. Шаҳар ифлослиги ва чиқиндилар тўпланиб қолишининг хавфлилигини бир килограмм чиқинди ичида 20 минга яқин пашша тухуми бўлишидан ҳам билса бўлади.

Ахлат, мол тезакларидан учиб чиққан пашшалар овқатга борнб қўнади. Пашша овқатга қўниб уни еябошлаган вақтда, оёқларидаги касал микроблари билан уни заҳарлайди. Бу зарарли ҳашаротлар ичбуруғ, қорин тифи, сил, полиомиэлит ва бошқа касалликларнинг микробларини тарқатиши мумкин.

Пашшадан қутулиш ўзимизга боғлиқ. Бунинг учун ҳар ким ўз ҳовлиси ёки ўзига тегишли ерда пашша кўпайишига шароит яратиб бермаслиги керак. Ишлаб чиқариш, айниқса умумий овқатланиш системасида эҳтиёт бўлиш зарур. Бунинг учун чиқиндиларни ёпиқ челакларга, бочка ва контейнерларга солиб, ҳар куни санитар тозалов машинасига чиқариб ташлаш керак. Бундай машиналар шаҳарнинг ҳар бир районида бор.

Пашшага қарши курашиш — умумхалқ ишидир. Аҳлатларнинг йиғилиб қолишига йўл қўймайлик. Пашша кўпайиши мумкин бўлмаган шароит яратиш билан шаҳримизда фароғат ва соғлом ҳаво яратган бўламиз.

С. ОҒАЖОНОВА,

республика санитария-маориф уйининг методисти.



УЧМАДИ. А. Пенсон фотоэтюди.

●Дунё ажойиботларга тўла

МИТТИ ТЕЛЕВИЗОР

Саратовлик ёш ҳаваскор радио-инженер Константин Васильев томонидан яратилган телевизор конструкцияси кафтга бемалол жойлашади. «Малютка» («Митти») махсус транзисторлардан йиғилган бўлиб, вазни тўрт юз граммдир.

Олтин доначаси кичкина бўлса-да, қимматлидир, деганларидек «Митти» ҳам стол устига қўйилган телевизор сингари бемалол ўн икки каналдаги эшиттиришларни кўрсата олади.

Васильевнинг кўрсатувчи телевизион мосламаси ҳам оригинал ва миниатюралидир. Объективни бирор нарсага яқинлаштириш билан уни катта телевизорда бўлганидек томоша қилавериш мумкин. Бу мослама ҳатто тайёрланаётган деталларнинг кўзга кўринмас қисмларига ҳам кўз ташлашга ва ишланишининг нечоғлик тоза бўлганлигини аниқлашга ҳам имкон беради.

Москвада ўтказилган радио ҳаваскорларининг Бутуниттифоқ жиддий кўргазмасида Константин Васильев биринчи даражали диплом ва пул мукофоти билан тақдирланди. Кўргазма комитети унинг «микро (митти) телемарказ» амалда қўлланиши мумкин деган хулосага келди.

Ходиса

ОҚ АРОҚНИНГ «ҚОРА» ИШИ

— Унутма, агар «беш» баҳо олсанг яхшилаб ювамиза,— деди Геннадий шеригн Борисга.

— Беш у ёқда турсин, зўрга уч олсак ҳам ювамиз,— қатъий оҳангда далда бериб, деди Борис.

Икки улфат ҳоҳолаб имтиҳонга киришди. Тавакалчининг иши дом ўнгидан келади деганларидек, Борис ҳам, Геннадий ҳам сўнгги имтиҳондан муваффақиятли ўтишди. Буни ювмасдан бўладими? Асло йўқ. Қатъий келишиб олишганига кўра, улфатлар магазиндан «оби зам-зами» олиб, қўлтиққа қистириб, ошхонага равона бўлишди. Улар бу ерда қанча ўтиришганини билишмайди. Ҳар ҳолда ошхонадан ташқарига чиққанларида соат кеч 6 дан ошиб қолганди.

Улар илон изи қадам ташлаб, Чирчиқ шаҳар «Водоканал» бошқармасининг диспетчери олдидан ўтаётганда шу ерда турган «ГАЗ—51» автомашинасига кўзларн тушиб қолди.

— Азизим Борис, анави машина бизни кутиб турибдими?— сўради оёқда туролмай Геннадий.

— Кутиб турганда ҳам қандай-де?— далда берди унга ҳамтовоги.

— Шундай бўлса, нега қараб турибсан? — деди Геннадий ва шеригини ортидан машинага томон бошлади.

У ўзи рулга, Борисни эса ёнига ўтқазиб машинани Тошкент томон катта йўлдан шамолдай учириб кетди. Машина ўгрилари пойтахтнинг Луначарский кўчасида ўтаётганларида бутунлай ўзларини йўқотиб қўйишганди.

Геннадий шошганидан машинани йўлдан ўнг томонга буриб юборди.

Бу ишлар уларнинг хаёлини жойига келтирди. Аммо шу вақтда бўлар иш бўлиб, кўнгилсиз воқеа юз берганди. Машина кўча юзидаги 302-хонадоннинг бир томон деворини бузиб юборганди. Скамейкада дам олиб ўтирган пенсионер чолни босиб кетишга сал қолди. Милиция ходимларининг ҳушёрлиги туфайли ўша заҳотиёқ Борис қўлга олинди. Ашаддий безори Геннадий эса қочиб улгурган эди.

Машина ўгрисини қидириш давом этди. Аввало унинг Чирчиқ шаҳрида яшашлиги аниқланди. Ўз иш фаолиятларида катта тажрибага эга бўлган оператив ходимлар жамоатчилик ёрдамида шаҳарда қанча Геннадий Петровлар истиқомат қилишини билишдан бошладилар. Уларнинг яшаётган кўчалари, уй адреслари аниқланди. Кейин эса олинган адреслар бўйича Геннадийларни бирма-бир текшириб чиқишга қарор қилинди.

Оператив группа ходимлари ўз ишларини «Железнодорожная» кўчасида яшовчи Геннадий Петровни кўришдан бошлашди. Бахтни қарангки, кўча эшиги тақиллатилганда машина ўгриси Геннадийнинг ўзи чиқиб қолса бўладими! Ҳа, у қандай осонлик билан қочишга улгурган бўлса, шундай енгиллик билан қўлга тушди. Ҳа, демай, жиноятлари учун жамоатчилик олдида жавоб берадилар.

Ҳ. КЕНЖАЕВ.

Газетанинг навбатдаги сони 24 июльда чиқади.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РАДИО

22 ИЮЛЬ СЕШАНБА

ВИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 «Гўшт фабрикаси» деган эшиттириш (русча). 18.10 Фортепьяно пьесалари. 19.20 Республика композиторларининг хор асарлари. 20.00 «Ешлик» радиостанциясининг программаси. 20.40 Ешлар учун концерт (ўзбекча). 21.00 «Ленинизм» программаси (русча). 22.20 Лирик қўшиқлар. 22.40 Т. Тўла. «Ҳамза» поэмасидан парча (ўзбекча). 23.15 Дам олиш концерти.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 «Гулшан» дан бир саҳифа (ўзбекча). 19.30 Совет Армияси жангчилари учун концерт (русча). 20.00 Далада ишлаётганлар учун концерт (тожикча). 20.30 Қорақалпоқ куйлари. 20.50 «Ҳамроевлар оиласининг бахти». Тожикистон радиосининг эшиттириши (русча). 21.00 «Ҳаёт мамот учун». Адабий эшиттириш (ўзбекча). 21.40 Москва.

23 ИЮЛЬ ЧОРШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

6.15 Тонгги концерт. 7.40 Най тароналари. 8.25 Ўзбекистон композиторларининг қўшиқлари. 9.30 Г. Собитов. Квартет. 9.50 Қишлоқ меҳнаткашлари учун эшиттириш (тожикча). 11.15 «Ленинизм ва марксистик назариянинг ғоявий мухолифларга қарши кураш жараёнида ривожланиши» деган суҳбат (ўзбекча). 11.30 Ленин ҳақида куйлаймиз. 13.30 Енгил оркестр куйлари. 15.15 Ўзбекистон артистлари ижросида жаҳон халқлари куйлари. 16.10 Ешларнинг талабларига мувофиқ концерт. 16.50 «Правда» газетасининг обзори.

18.00 «Комсомолга — партия гамхўрлиги» деган эшиттириш (русча). 18.10 Н. Маяковскийнинг лирик асарлари. 18.40 Спорт эшиттириши (русча). 19.20 Қозоқ куйлари. 20.00 «Ўзбекистон ишчиси» радионурнали. 20.30 Саноат ходимлари учун концерт. 21.00 Халқаро мавзуларда суҳбат (ўзбекча). 21.10 «Қадрдон ерлар» деган концерт. 22.20 Тожикистон ССР халқ артисти Р. Толмасов куйлайди. 22.40 «Шеърият кечаси». Ж. Жабборовнинг янги шеърлари. 23.15 «Куйлар тинглаб дам оламиз» деган концерт.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 Рус қўшиқлари. 19.00 Б. Гиенко. Квинтетгрипптих. 19.30 «Китоб тоқчасида» (русча) 20.00 Тожикистон композиторларининг қўшиқлари. 20.30 Корейс куйлари. 21.00 М. Саломов. «Қалб амри билан» пьесасидан парча (ўзбекча). 21.40 Москва.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 Татар куйлари. 13.30 Ж. Абдуллахонов. «Бўрон турган бир оқшом» радиоинсценировкаси. 15.00 Ўзбекистон композиторларининг симфоник поэмалари. 16.00 «Ака-ука Ершовлар» радиопостановкаси (русча).

ТЕАТР

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 23|VII да **Ажаб савдолар**, 24|VII да **Фарғона тонг отгунча**.

Кино

22 ИЮЛДА ҚИШКИ БИНОДА

Доктор Абст тажрибаси — НАВОИЙ номли, «ДРУЖБА» (кечқурун), «МОСКВА» (кеч соат 7 да).

Шошилинч никоҳ — «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кечқурун).

Қор аёл ҳақида афсона — «ЧАЙКА» (кечқурун).

Оила жанжали— «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кечқурун).

Бомбай тун огушида — САНЪАТ САРОЙИ (кеч 7 ярим ва 9 яримда).

Оқ рояль — «МОСКВА» (кеч 9.20 минутда).

23 ИЮЛДА ҚИШКИ БИНОДА

Доктор Абст тажрибаси — НАВОИЙ номли, «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун), САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб соат 11, кундуз 1 ва 3 да), «ЧАЙКА» (эрталаб 11-45 ва кундуз 1-30 минутда), «МОСКВА» (эрталаб 11-40 минут, кундуз 3 ва кеч 7 да).

Шошилинч никоҳ — «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Қор аёл ҳақида афсона — «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Бомбай тун огушида — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз 5 ярим, кеч 7 ярим ва 9 яримда).

Кашмирдаги севги — НАВОИЙ номли (кундуз соат 4.20 минутда).

Оқ рояль — «МОСКВА» (эрталаб соат 10, кундуз 1-20 минут, 5 ва кеч 9-20 минутда).

ЁЗГИ БИНОДА

(кеч соат 9 ва 10-40 минутда бошланади)

Маҳтумқули — НАВОИЙ номли.

Йўлнинг ўндан бири — ТЕЛЪМАН номли.

КИНОФИЛЬМ ПРОКАТИ БЎЙИЧА:

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОНТОРАСИГА

кинопрограмма тузувчилар, фильмларни текширувчи хотин-қизлар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, 100, Заводская кўчаси, 35-уй. Телефон 5-28-03.

НЕФТЕПРОВОДМОНТАЖ ТРЕСТИНИНГ 2-ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН БОШҚАРМАСИГА

бўлим бош бухгалтери

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Чилонзор массиви, Муқимий кўчаси, 98-уй, 2-қават (6, 9, 11-троллейбуслар, 8, 9, 11-трамвайлар, 2, 3, 23, 24, 26, 54-автобусларнинг «Пионерская» бекати).

«СОВНИПИСЕЛЬЭЛЕКТРО» ИНСТИТУТИГА

катта бухгалтерлар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар-72, Рисовая кўчаси, 1-муюлиш (7, 12, 22, 26, 125-автобусларнинг «Рисовая» бекати).

«УЗДОРРЕСТОРАН» ТРЕСТИ

Тошкент аэровокзали ресторани, Тошкент пассажир станцияси ресторани, хўжалик ҳисобидаги вагон ресторани корхонаси билан ҳамкорликда

25 ИЮЛЬ ЭРТАЛАБ СОАТ 11 ДАН КУНДУЗ 2 ГАЧА

ТЕМИР ЙЎЛЧИЛАР БОҒИДА

Кулинария ва кондитер буюмларининг

КЎРГАЗМАЛИ САВДОСИНИ УТКАЗАДИ

Ошпазлар ва ширинпазлар Сиз учун жуда кўп мазали ва чиройли таомлар тайёрлаб- берадилар.

Кўргазмали-савдога таклиф қиламиз.

ТОШКЕНТ ШАҲАРЛАРАРО ТЕЛЕФОН СТАНЦИЯСИ

телефонистикалар тайёрлайдиган 3 ойлик курсга 8—10 синф ҳажмида маълумотли 17 дан 26 ёшгача бўлган

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқувчиларга стипендия берилади.

Ўқишни тугатганларидан сўнг Тошкент шаҳар телефон станцияларида 6 соатлик иш билан таъминланадилар. Меҳнат ҳақи вақтбай-мукофот тариқасида тўланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 28-уй, МТСнинг янги бинои.

ТЕЛЕВИЗОР

22 ИЮЛЬ СЕШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.30 Кўрсатувлар программаси. 18.35 «Юлдузча» тележурнали (ўзбек тилида).

Рус тилида: 19.05 Телевизион янгиликлар. 19.15 «Кино ҳақида суҳбатлашамиз». Киноэшиттириш.

Ўзбек тилида: 20.15 Телевизион янгиликлар. 20.30 «Трест операцияси». Телевизион бадиий фильмнинг иккинчи сериями.

22.00 РСФСРда Ўзбекистон адабиёти ва санъати декадасининг очилиши. Горький шаҳридан олиб кўрсатилади.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Ўқув кўрсатувлар программаси.

Ўзбек тилида: 18.00 Абитуриентлар учун физикадан машғулот.

Рус тилида: 18.30 Абитуриентлар учун физикадан машғулот. 19.00 Абитуриентлар учун математикадан машғулот.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

19.55 Кўрсатувлар программаси. 20.00 Янгиликлар. 20.15 Музикали программа. 21.00 Беш йиллик йилларидан. 21.30 Польша Халқ Республикаси ташкил топган кунининг 25 йиллигига бағишланган эшиттириш.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Рус тилида: 22.00 Андижон сув омбори ҳақида эшиттириш.

Ўзбек тилида: 22.20 Музикани қандай тингламоқ керак. Сюита.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 20.00 Камер куйлардан концерт. 20.40 Халқ Польшаси 25 ёшда.

Рус тилида: 21.05 «Рациональ кўча ҳаракати». Илмий-оммабоп фильм. 21.25 «Болоҳонали уй». Бадиий фильм.

23 ИЮЛЬ ЧОРШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

МОСКВА КЎРСАТАДИ

13.00 Янгиликлар. 13.15 Ўқувчилар учун. «Ешлар ижоди» (Тошкентдан олиб кўрсатилади). 13.45 «Варшава, мен ва сен» деган эшиттириш. 14.15 «Пионерия» телевизион агентлиги. 14.45 Москва кўрсатувларининг охири.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.30 Кўрсатувлар программаси.

Рус тилида: 18.35 Телевизион янгиликлар.

Ўзбек тилида: 18.45 Матбаачиларининг янги марралари. 19.05 Рақс ўрганамиз. 19.45 Телевизион янгиликлар.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

19.55 Кўрсатувлар программаси. 20.00 Янгиликлар. 20.15 Дўстлик нинг чеки йўқ. 20.45 Рангли телевидение программаси. 21.45 Буюк оила дўстлиги. 22.30 СССРда Польша Халқ Республикаси маданиятининг кунлари. «Ҳаёт-мамот учун». Кўп серияли телевизион бадиий фильмнинг 12-сериями. 23.30 «Вақт» информацион программаси. 00.15 Москва кўрсатувларининг охири.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.30 Кўрсатувлар программаси.

Рус тилида: 18.35 Болалар учун. «Почтальон ҳақида эртак». Телеспектакль. 19.30 «Космосда тўрт баҳодир». Ҳужжатли фильм. 19.50 Ленинград балети.

Ўзбек тилида: 20.45 «Бу афсона эмас». Кинофильм. 21.25 «Егоғдан таралган садолар». Музикали программа. 22.05 «Майор Вихрь» бадиий фильмнинг биринчи сериями.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

20.00 «Қидирув эълон қилинади». Кинофильм (ўзбек тилида).

Рус тилида: 20.20 «Разведкачининг жасорати». Бадиий фильм. 21.50 «У 25 ёшга тўлди». Ҳужжатли фильм. 22.40 Улуғ Ватан уруши қўшиқлари.

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА ТЕЗ КУНДА

М. Шамхалов асари, З. Бағиров музикаси

«ҚАЙНОНА»

(2 парда, 6 кўринишли комедия)

Озарбайжончадан Н. АЛИЕВА таржимаси, асарни саҳналаштирувчи режиссёр ЎзССР халқ артисти Ҳ. УМАРОВ.

Режиссёр — ЎзССРда хизмат кўрсатган артист О. ФАЙЗОВА.

Рассом — ЎзССР халқ рассоми В. А. РИФГИН.

Дирижёрлар — Н. ҲАЛИЛОВ ва Э. ТОШМАТОВ.

Балетмейстер — О. НАЗРУЛЛАЕВ.

Концертмейстерлар — А. Б. МАЛИНА, М. А. ФУРМАН

Режиссёр ассистенти — Х. ШАРИПОВ.

ТАШКИЛОТ, КОРХОНА, ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ВА ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА

„ТОШКЕНТ ОҚШОМИ“

газетасининг эълонлар бўлими ҳар турли эълонларни қабул қилади

Шу жумладан ишга таклиф, конкурслар, диссертация ёқлаш ҳақида, таъзия, ҳар хил буюмларни сотиш (уйлар, коналар, мебеллар, гуллар ва б) штамп, думалоқ печатлар, етуклик аттестатлари, дипломлари йўқолганлиги тўғрисида.

Қабул қилинган эълонлар бир ҳафталик муддатда босиб чиқарилади.

Эълонлар якшанба кундан бошқа ҳар куни кундуз соат 2 дан 4 гача қабул қилинади.

АДРЕС: Тошкент шаҳар «Правда Востока» кўчаси 26-уй, 1-қават.



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 4 БЕТ. 22 ИЮЛЬ, 1969 й.

«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар Дзержинский кўчаси, 15-уй, Редакция телефонлари, Коммутатор—33-02-49 дан 33-02-58 гача, редактор ўринбосарлари 33-29-33, 33-29-09, масъул секретарлар—33-27-22, партия совет ва касаба союз ташкилотлари, шаҳар хўжалиги бўлимлари 33-29-42, адабиёт санъат ва маданият бўлими 33-29-55, хатлар ва оммавий ишлар, 33-29-70, фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари 33-27-57, саноат, транспорт, қурилиш бўлимлари —33-27-03, ахборот бўлими—33-65-57, эълонлар бўлими —33-61-42.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриёти нинг босмахонаси Тошкент шаҳри

Индекс 64579. НАШР 2805. Р. 04511.